

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА МАЛИКА МАХМУДЖАНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаева Малика Махмуджановна

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш..... 3

Абдуллаева Малика Махмуджановна

Совершенствование механизма сотрудничества в развитии творческой деятельности одарённых детей в средних общеобразовательных школах 23

Abdullayeva Malika Maxmudjanovna

Improving cooperation mechanisms for the development of creative activity in gifted children of secondary schools..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА МАЛИКА МАХМУДЖАНОВНА

**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА
ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2019.1.PhD/Ped186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (cspi.uz/ilmiy-kengash) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (<http://ziyonet.uz/>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусурманова Айниса
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонетлар:

Исмаилова Зухра Карабаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Нурманов Абдиназар Ташбаевич
педагогика фанлари доктори

Етақчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870) 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферти 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Қ. Мардонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ф.Т. Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А. Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда иқтидорли ўқувчи ва ёшлар билан ишлашга бўлган эҳтиёж янада кучайди. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш йўллари, иқтидор йўналишлари, иқтидор ўрни ҳамда амалиётдаги муаммолари, имкониятлари, ўқув жараёни муваффақиятли бўлиши учун ўқувчига ўз кучига бўлган ишончни сингдириш ва зарур ҳолларда ёрдам бериш, ўқувчиларнинг ўзлигини намоён қилишга имконият ва шарт-шароитлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида иқтидорлилик структуравий элементлари (қўйилган масалаларнинг ечимларини таклиф этишдаги оригиналлик, ностандартлик, кутилмаганлик), ижодий ривожланишнинг 5 та структуравий компоненти (идрок мотивациясининг доминантлиги, янгиликни ҳис этиш, муаммони кўриш ва ҳал этишда ифодаланадиган изланувчанлик ва илмий-ижодий фаоллик, оригинал ечимларга эришиш имконияти, фахрланиш ва башорат қилиш имконияти, юқори эстетик, интеллектуал баҳолашни таъминловчи идеал эталонларни яратиш қобилияти), у ёки бу фаолиятни амалга оширишда камроқ ёки кўпроқ ютуқларга эришишига боғлиқ бўлган қобилиятларнинг ўзига хос сифатий бирикмалари, ўқувчилардаги топқирлик қобилияти, масалалар ечишда махсус дастурлар асосида ўқитиш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан иқтидорли болаларни аниқлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш учун шарт-шароитларни яратиш заруриятини изоҳлайди.

Республиканинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи интеллектуал салоҳиятли ёшларни тайёрлаш, ёрдам бериш, истеъдод соҳибларига билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз табиий қобилиятларини намоён этиш, ривожлантириш ва улардаги ноёб истеъдодини рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратиш алоҳида аҳамиятга моликдир. «Иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшлар билан аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни амалга ошириш тизимини яратиш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бунда энг қобилиятли, билимли ўқувчиларни аниқлашда шаффофликни таъминлаш, хорижий тиллар, математика, физика, кимё, биология каби муҳим ва талаб юқори бўлган фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослашган умумтаълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятга эга педагогик жамоасини умумтаълим мактабларида иқтидорли болалар билан ишлашга ва таълим сифатини баҳолашга жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармони.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 526-сон «Президент мактаблари тўғрисида Низом», 2019 йил 22 февралдаги 154-сон «Умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларнинг иқтидорли битирувчиларини олтин ва кумуш медаллар билан тақдирлаш тартиби тўғрисида Низом», 2019 йил 9 январдаги 9-сон «Ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати ва уни бошқариш бўйича Ш.Қурбанов, А.Мусурманова, М.М.Ваҳобов, Н.К.Ахмедова, Р.Б.Ярматов, Ш.Н.Тайлакова, О.Р.Жамолдинова, Б.Х.Ходжаев, Б.Ш.Шермухамедовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида психологик ёрдам кўрсатишнинг илмий-амалий жиҳатлари Н.И.Халилова, Г.Р.Тожибоева, Н.Х.Холйигитова, З.А.Абдурахмонова, Н.Х.Маджитова, Н.С.Лейтес, М.Баграмянц, А.Д.Барбитова, Н.А.Бельская, Е.П.Ильин, Д.Канеманлар, педагогик жиҳатлари бўйича И.Г.Антонова, О.Ю.Апарина, В.Н.Афанасьевалар томонидан ўрганилган.

МДХда иқтидор ва иқтидорли шахсларни Б.М.Теплова, А.В.Петровский, А.А.Лосева, А.М.Матюшкина, А.С.Волков, В.С.Юркевичлар, иқтидорли болалар билан ишлаш механизмлари ва унинг муаммоларини А.Д.Абакумов, В.В.Абатурова, А.Ю.Буров, О.С.Васильева, Т.Н.Васильевалар, ота-оналари билан ишлаш жараёнлари бўйича С.В.Гриднева, А.Г.Двинянинова, Л.В.Дворникова, С.Е.Дворянцевлар ўрганишган. Иқтидорни намоён қилишга хизмат қилувчи шарт-шароитларни Н.В.Азанова, Е.Е.Антонова, Т.Ермолова, А.А.Марголис, Р.Мардашова, Э.А.Голубевалар ҳамда иқтидорни қўллаб-қувватлаш жараёнларини И.Ю.Виноградова, П.Ю.Виноградова, Д.В.Винокурова, А.В.Волков, С.А.Дмитриевалар таҳлил қилган.

Европа мамлакатларида Ugur Sak, Maud Besançon, Murat Tekin, Özden Taşgın, J.C.Gowan, Joyce Van Tassel-Baskalar томонидан иқтидор ва креативлик муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«иқтидор» тушунчасини таърифлаш ва унинг турларини таснифлаш;
креативликни иқтидорнинг муҳим компоненти сифатида таҳлил қилиш;
иқтидор муаммосининг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва тенденцияларини ўрганиш;

иқтидорли ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, уларнинг муаммоларини ҳамда иқтидорни аниқлаш усулларини ўрганиш;

умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш ва педагогик моделини ишлаб чиқиш;

ўқувчилар иқтидорини рўёбга чиқаришда ташкил этилган мактаб «Кичик академия»сини такомиллаштириш ҳамда оммалаштириш;

педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5487 нафар ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштиришнинг мазмуни, шакл, воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойихалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмлари инновацион ёндашув адаптив даражадан тизимли моделлаштирилган даражага ўтиш асосида такомиллаштирилган;

иқтидор билан боғлиқ мотивацион, етакчи, ижодий, когнитив ва индивидуал хусусиятларни аниқлаш орқали креатив фикрлаш кўникмаларини

ривожлантиришнинг шахслараро, гуруҳий ва жамоавий йўналтирилган эдукологик интеграцион таъсир кўрсатиш механизми такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг модели мақсадли, мазмунга оид, операционал ва баҳолаш блокларини тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган;

миллий таълим ташаббуси сифатида фанлар кесимида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш, ижодий изланувчилар, илмий тадқиқотчилар, маданият ва спорт ҳамда дастурчилар йўналишлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактаб «Кичик академия»сининг илмий кенгаши ташкил этилган, таснифий тузилмаси, низом ва дастури, рамзий белгиси туширилган статуэткаси ва фахрий ёрлиқлари ишлаб чиқилган;

«Йилнинг энг иқтидорли ўқувчиси», «Энг яхши илмий иш», «Энг яхши ижодий иш», «Энг яхши дастурчи», «Энг яхши лойиҳачи», «Энг яхши ихтирочи» номинациялари аниқланган;

«Истиклол чечаклари» газетаси, «Кичик академия» журнали таъсис этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти иқтидорли болалар билан ишлашнинг психологик омиллари, иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва уларнинг иқтидорини руёбга чиқариш учун дастурнинг тўрт босқичлари, мактаб «Кичик академия»сининг иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш дастури, низоми, йўл харитаси, иқтидор билан боғлиқ хусусиятлар ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, умумий ўрта таълим муассасаларида дарслик, ўқув қўлланма, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда «Йилнинг энг иқтидорли ўқувчиси», «Энг яхши илмий иш», «Энг яхши ижодий иш», «Энг яхши дастурчи», «Энг яхши лойиҳачи», «Энг яхши ихтирочи» номинациялари, мактаб «Кичик академия»си илмий кенгаши, мактаб «Кичик академия»сининг низом ва дастури, мактаб «Кичик академия»сининг рамзий белгиси туширилган статуэткаси ва фахрий ёрлиқлари, «Истиклол чечаклари» газетаси, «Кичик академия» журналидаги маълумотларидан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

иктидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмлари адаптив даражадан тизимли моделлаштирилган даражага ўтиш асосида такомиллаштирилган таклифлардан PZ-2014-0906164153 рақамли «Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали ўқитувчиларда информациявий таҳдидларга қарши курашиш механизмини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 16 октябрдаги 89-03-4040-сон маълумотномаси). Натижада иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмлари такомиллаштирилган;

иктидор билан боғлиқ мотивацион, етакчи, ижодий, когнитив ва индивидуал хусусиятларни аниқлаш орқали креатив фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришнинг шахслараро, гуруҳий ва жамоавий йўналтирилган эдукологик интеграцион таъсир кўрсатиш механизми такомиллаштирилган таклифлардан Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги «Ёшлар академияси» фаолиятига 2019-2020 йилларда жалб этиш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 12 сентябрдаги 06-10/4813-сон маълумотномаси). Натижада мактаб «Кичик академияси»нинг таснифий тузилмаси оммалаштирилган;

мақсадга қаратилганлик, мазмунга оид, операционал ва баҳолаш блокларини тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантириш моделидан ЁА1-ОТ-1-11965 рақамли «Ўқувчиларнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 17 октябрдаги 89-03-4045-сон маълумотномаси). Натижада мактаб «Кичик академияси»нинг маданият ва спорт йўналиши амалиётга жорий этилган;

миллий таълим ташаббуси сифатида ишлаб чиқилган фанлар кесими бўйича ижодий изланувчилар, илмий тадқиқотчилар, маданият ва спорт ҳамда дастурчи (лойиҳачи) йўналишларидан ОТ-А1-118 рақамли «Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 16 октябрдаги 89-03-4039-сон маълумотномаси). Натижада, иқтидорли болаларни эрта аниқлаш ва уларнинг иқтидорини руёбга чиқариш учун Дастурнинг тўртта босқичи (ташкилий ишлар, таҳлил ва ташхислаш, амалга ошириш, умумлаштириш ва оммалаштириш) аниқлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий ишлар, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация

комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналда нашр қилинган, 5 та интеллектуал мулк агентлиги гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида илмий тадқиқотнинг мавзуси ва унинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шу билан бирга диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, эришилган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, илмий нашрларда эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **«Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобда ўқувчи-ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш жараёнлари, иқтидор тушунчаси, унинг турларини таснифлаш, креативлик иқтидорнинг муҳим компоненти сифатида ҳамда иқтидор муаммосининг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва тенденциялари таҳлил қилинган.

Ҳар бир бола иқтидорини юзага чиқариш фақат алоҳида шахс учун эмас, балки жамият ва унинг тараққиёти учун зарурлигини англатади. Педагогларга кўйиладиган асосий талаблардан бири иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, иқтидорни керакли йўналишда ривожлантириш учун ижодий ёндашиш ва уни юзага чиқариш учун зарур шарт-шароитни яратиш, ўқувчилар руҳиятини тушуна олиш ва малакали ёрдам бера олишдан иборат. Иқтидор - бу инсон психикасининг бутун умр давомида тизимли ривожланувчи сифати бўлиб, инсоннинг бошқа одамларга нисбатан бир ёки бир неча соҳада юқори натижаларга эришиш имконига эга эканлиги билан белгиланади. Иқтидорли болалар, шунингдек, улар учун қизиқарли бўлган соҳада натижага эришишда қатъиятлиликка эга бўлиши билан ажралиб туради. Бироқ, уларнинг кўпчилигига хос бўлган қизиқишнинг хилма-хиллиги баъзан бир вақтнинг ўзида бир нечта ишни бошлашига олиб келади². Иқтидорни аниқлаш мезонига кўра иқтидор турлари таснифи ишлаб чиқилган (1-жадвалга қаранг):

² Юсупова М.М. Проблема одаренности детей в истории педагогической мысли. – Бирск 2012. Электронный ресурс: <https://nsportal.ru/vuz/pedagogicheskie-nauki/library/2013/01/18/problema-odarennosti-detey-v-istorii-pedagogicheskoy>.Дата обращения: 06.07.2019

Иқтидорни аниқлаш мезонига кўра иқтидор турлари таснифи

| № | Иқтидорни аниқлаш мезонлари | Иқтидорнинг фаолияти | Иқтидор турлари |
|----|---|---------------------------|--|
| 1. | Фаолият тури ва унинг рухий соҳасини таъминлаш | амалий фаолият | хунармандчилик, спорт ва ташкилий иқтидор |
| | | когнитив фаолият | интеллектуал истеъдодлар (табiiй ва гуманитар фанлар, интеллектуал ўйинлар ва б.) |
| | | бадий ва эстетик фаолият | хореографик, сахна, адабий-шеърый, тасвирий, мусикий истеъдодлар |
| | | коммуникатив фаолият | етакчилик ва диққатга сазовор истеъдодлар |
| | | маънавий-қимматли фаолият | янги маънавий қадриятларни яратиш ва одамларга хизмат қилишда намоён бўлган истеъдод |
| 2. | Истеъдодни шакллантириш даражаси | муайян соҳада фаолият | хақиқий истеъдод |
| | | муайян фаолият турида | мумкин бўлган қобилият |
| 3. | Шаклига кўра | ноқулай шароит | аниқ истеъдод |
| | | боланинг фаолияти | яширин истеъдод |
| 4. | Турли фаолият турлари бўйича намоёишнинг кенглиги | турли фаолият турлари | умумий истеъдод |
| | | ўзига хос фаолият | махсус қобилият |
| 5. | Ёш ривожланишининг хусусиятлари | | эрта қобилият |
| | | | кеч истеъдод |

Илғор, ташаббускор, ижодкор, масъулиятли, замон билан ҳамнафас, ўқиб изланадиган, замонавий педагогик технология асосида дарсларни ташкил этаётган ўқитувчиларнинг сабоқлари ёш авлодни мустақил фикрлайдиган, мушоҳадали, ўз фикрини катта давраларда ҳам бемалол айта оладиган, ўзига ишонувчан қилиб вояга етказа олади. Иқтидорнинг асосий турларини аниқлаш ҳам муҳим, чунки у таълим тараққиётига таъсир қилиши мумкин. Америка Қўшма Штатлари таълим департаменти маълумотларига кўра, юқори имтиёзлар беш хил шаклда намоён бўлиши мумкин. Аслида, улар орасида аниқ фарқлар йўқ. Баъзи одамларда имтиёзлар бирданига барча беш шаклда намоён бўлиши мумкин. Бошқа одамлар бир соҳада бошқасига қараганда кўпроқ иқтидорли бўлиши мумкин. Америка Қўшма Штатлари федерал таълим бошқармаси иқтидорнинг куйидаги турларини аниқлайди: 1) интеллект (ақл); 2) креативлик; 3) санъат соҳасидаги иқтидор; 4) ижтимоий иқтидорлилик; 5) донолик (2-жадвалга қаранг)³:

³ Монкс Франц. Одаренные дети. Электронный ресурс: <https://psy.wikireading.ru/22641>. Дата обращения. 26.07.2019.

Иқтидорнинг таркибий шакллари

| № | Иқтидорнинг таркибий шакллари | Иқтидорнинг таркибий шакллари мазмун-моҳияти |
|----|-------------------------------|--|
| 1. | Интеллект | асосан интеллектуал қобилиятлари ва ютуқлари билан ажралиб турадиган болалар маълумотни тез ва осон қабул қилади ва қайта ишлайдилар, фикрлашга қодир ва мантиқий муносабатларни тезда тан оладилар |
| 2. | Креативлик | креативлик ижодий фикрлаш қобилияти сифатида кўпинча қобилиятнинг муҳим кўрсаткичи сифатида қабул қилинади. Ҳозирги вақтда ёш болаларда ижодкорликни қандай тан олиш кераклиги ва ҳатто ижодкорлик мавжудлиги ҳақида умумий қабул қилинган кўрсатмалар мавжуд эмас. Масалан, кимдир математик муаммоларни шакллантириш ва ҳал қилишда жуда ижодий ва оригинал бўлиши мумкин, аммо ёзувчи бўла олмайди. Бундан ташқари, кимдир бир ёки ҳатто бир нечта соҳада ижодий бўлиши мумкин, лекин фақат ҳаётининг муайян даврларида. Баркамолликни аниқлашда ижодкорлик муҳим ўрин тутати. Истеъдоднинг бу шакли ҳар доим маълум бир соҳаларда ўзини намоён қилади. Ҳеч ким ҳамма нарсада ижодий ёки қобилиятли бўла олмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўпчилик ижодкорларни қобилиятли деб ҳисоблаш мумкин, аммо ҳамма ҳам қобилиятли одамлар ижодий эмас |
| 3. | Санъат соҳасидаги иқтидор | иқтидорлилик ҳар доим ҳам бадий фаолиятга татбиқ этилмайди, гарчи санъат соҳасидаги истеъдод ҳақиқий истеъдоднинг бир тури бўлса-да. Санъат учун қаламнинг ривожланиши уйда ва мактабда тегишли шароитларнинг мавжудлигига боғлиқ. Санъат билан танишиш, масалан, куйидаги савол билан ифодаланиши мумкин: «Нега бу қаламларни синаб кўрмайсиз?» Агар бу уйда санъат асарлари (чиройли ранг-баранг расмлар) бўлса, оила музейларга ташриф буюрадими ёки йўқми? уй расмлари - буларнинг барчаси боланинг ушбу соҳадаги қизиқишларини ривожлантиришга ёрдам беради |
| 4. | Ижтимоий иқтидорлилик | ижтимоий иқтидорлилик тушунчаси турли хил фазилатларни бирлаштиради, масалан, эмпатия, алоқа қулайлиги, ҳамкорлик қулайлиги, етакчилик фазилатларининг мавжудлиги. Етакчилик - бу алоҳида тоифадир, чунки улар бир нечта ижтимоий қобилиятларнинг комбинацияси. Етакчи қатъиятлилик, вазиятни кўра билиш, мулоқот қилиш қобилияти, бошқаларни ҳурмат қилиш, мулоқот қилиш осон бўлиши ва юқори, ҳурматли касбий фазилатларга эга бўлиши керак. Ҳамма ҳам ўз етакчисида бундай хусусиятларнинг ёқимли комбинациясини топа олмайди, аммо бу ҳар бир ҳақиқий раҳбарда бўлмаслиги керак дегани эмас |
| 5. | Донолик | донолик бу бизнинг тушунчамиздан ташқарида бўлган тушунча, гарчи ҳаммамиз бу нима эканлигини биламиз деб ишонамиз. Қоида тариқасида, биз ҳатто доноликни аниқлашга ҳаракат қилмаймиз, чунки биз ҳамма нима демоқчи эканлигини тушунишларига ишонамиз. Донолик деганда биз онгли хатти-ҳаракатлар билан бирга юқори ахлоқий фазилатлар, ҳамдардлик, интеллектуал қобилият ва кузатишни англатади. Стернберг доноликни «вазиятни тўғри баҳолашга ва билим, тажриба ва вазиятни тушунишга асосланган умумий фикр, хатти-ҳаракатлар» деб белгилайди (Neufeldt & Guralnik, 1997, см.: Sternberg, 2000) |

Креативлик – бу нисбатан барқарор шахсий хусусият бўлган ижодий истеъдод, ижодкорлик даражаси бўлиб, иқтидорнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Ақл ва креативликнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича тадқиқотчиларнинг қуйидагича учта ёндашуви мавжуд: *Биринчи ёндашувда* бундай ижодий қобилиятлар мавжуд эмас деб тахмин қилинади ва интеллект шахсининг ижодий фаолияти учун зарур, аммо етарли бўлмаган шарт сифатида ишлайди. Ижодий хулқ-атвори аниқлашда асосий роль мотивация, кадриятлар, шахсий хусусиятлар билан ўйнайди. Шундай қилиб, Д.Богоявленская иқтидорни тушунишга қуйидагича ёндашади ва уни «вазиятдан ташқари ақлий фаолиятнинг давоми» деб тушунган ҳолда «интеллектуал фаолият» тушунчасини киритади. Умумий ақлий қобилиятлар интеллектуал фаолиятнинг асосини ташкил этади, когнитив қизиқишнинг кенглигини белгилайди. *Иккинчи ёндашувда* ақлнинг юқори даражаси ижодкорликнинг юқори даражасини англатади ва аксинча. Ақлий фаолиятнинг ўзига хос шакли сифатида ижодий жараён мавжуд эмас. Ушбу нуқтаи назар ушбу муаммони ишлаб чиқишда иштирок этган кўплаб олимлар учун энг кам ишончли кўринади. *Учинчи ёндашув* эса – бу креативликлик ғояси (ижодий қобилият) ақлдан мустақил омил сифатида таҳлил этилган⁴.

Иқтидор муаммосининг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва тенденцияларини таҳлил қилишда иқтидор, қобилият, талант, истеъдод тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ўрганишга имкон беради. Яъни, қобилиятлар мажмуасини талант, қобилиятларнинг ўзига хос уйғунлашуви иқтидор бўлса, истеъдодни ижодий қобилият деб ҳисоблаш мумкин. Иқтидор тушунчасининг ривожланиши унинг пайдо бўлиш тарихини ўрганишни талаб қилади. Иқтидор муаммоси қадим замонлардан буён мавжуд бўлиб, бугунги кунда дунёда турли назарий йўналишлар бўйича яратилган ўнлаб иқтидорга оид илмий тушунчалар мавжуд. Иқтидорли болалар билан ишлаш Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади иқтидорлиларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат.

Диссертациянинг «**Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришда ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш йўллари**» деб номланган иккинчи бобида иқтидорли ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари, иқтидорни аниқлаш усуллари, умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизми ва педагогик модели ёритилган.

«Иқтидор» атамаси XX асрнинг бошларида психологияда пайдо бўлган. Мактаб амалиётида иқтидорли болалар билан ишлашда иқтидорли болаларга хос бўлган мактаб муаммолари, иқтидорли ўқувчиларнинг билим ва шахсий хусусиятлари ҳамда ўқитишда муваффақиятсизликка учраган иқтидорли ўрта

⁴ Интеллект и креативность как индикаторы одаренности. Электронный ресурс: <http://www.psyhodic.ru/arc.php?page=4925>. Дата обращения. 27.07.2019.

мактаб ўқувчиларининг шахсий хусусиятлари каби муаммолар учрайди. Иқтидорли болалар билан ишлашда психологлар томонидан иқтидорнинг тузилишини белгилайдиган умумий интеллектуал ёки ақлий қобилиятларнинг юқори даражаси, билиш мотивининг доминантлиги – бошқа мотив турларидан устунлиги ҳамда янги предметлар, вазифалар, воқеа-ҳодисаларга дуч келганда, муаммонинг қўйилиши ва ечимини топишда ижодий фаолликнинг намоён бўлиши каби асосий омилларни билишлари лозимлиги таъкидланган⁵.

Иқтидорли бола шахсини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳамкорлик бўлиб, мазкур жараён мактаб, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида амалга оширилади. Ҳозирги вақтда мактаб маданият, фан, кўшимча таълим, спорт, соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Яратилган ўқув муҳити иқтидорли болаларни аниқлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, мазкур фаолият ўқув жараёни ваколати кўшимча таълимнинг дастурий ва услубий таъминланиши шахсга йўналтирилганлиги ҳамда ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиши асосида ташкил этилади. Ҳамкорликдан мақсад – иқтидорли боланинг баркамол ривожланиши учун шароит яратишдан иборат бўлиб, бола ривожланишидаги муаммоларнинг олдини олиш, бола ривожланиш, ўқиш, ижтимоийлашувининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда ёрдам бериш, ўқув дастурлари билан танишиш ҳамда ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг ҳамкорлигини такомиллаштириш каби вазифаларни бажаради. Мазкур вазифаларни бажаришда иқтидорли боланинг ривожланиши, ўқиши ва унинг атрофидаги одамлар билан муносабатларида муаммоли вазиятларнинг пайдо бўлиши мавжуд бўлган хавфлар ҳам таъсир қилади. Баъзида иқтидорли болаларда ақлий ривожланишнинг синхронлиги, ҳиссий-ихтиёрий соҳа ва характернинг ривожланиш хусусиятларининг намоён бўлиши, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг йўқлиги ҳамда мактаб билан муносабатларнинг бузилиши ҳам сабаб бўлади. Ҳамкорлик механизмлари 3 босқичда, яъни синф, мактаб ва ихтисослаштирилган муассаса даражасида олиб борилади. Ҳамкорлик механизмлари мустақил, «бола томонида», узлуксизлик ва узвийлик, бола фаоллиги ҳамда мажмуавийлик каби тамойилларга асосланади. Ҳамкорликда маъмурият, ўқитувчилар, ота-оналарнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш, психологик ва педагогик ёрдам (диагностика, маслаҳат, ўқитиш), ўқув дастурлари, лойиҳалар, ўқув адабиётлари, ўқув муҳити, таълим муассасалари мутахассисларининг касбий фаолияти экспертизаси, соғлиқни сақлаш, тарғиб қилиш ҳамда ўқувчиларни рағбатлантиришга эътибор қаратиш лозим.

Иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш учун «Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш Дастури» ишлаб чиқилишини тақозо қилади. Иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ҳамкорлик механизми натижалари баҳолаш

⁵ Иқтидор ҳақида тушунча. Электрон ресурс: http://fikir.uz/blog/Fikir_maktabgacha_talim/9390.html. Мурожаат санаси: 26.03.2019.

мезонлари, кўрсаткичлар ҳамда диагностика методлари асосида баҳолаш тавсия этилади (3-жадвалга қаранг):

3-жадвал.

Баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлар ҳамда диагностика методлари

| Мезонлар | Кўрсаткичлар | Диагностика методлари |
|---|--|---|
| Шахснинг ўзини-ўзи баҳолаш | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқувчиларнинг билим олиш ва ўз имкониятларидан фойдаланишга эришиш. 2. Бир ёки бир неча фаолиятларда юқори натижаларга эришиш, бола шахсининг креативлиги. 3. Адекват ижобий ўзини-ўзи баҳолаш. 4. Рефлексия қила олиш қобилияти. 5. Мотивацион соҳа: ўқиш мотивацияси, интеллектуал-когнитив мотивацияси, мулоқот ва хулқ-атвор мотивацияси. 6. Коммуникатив маданият | <ol style="list-style-type: none"> 1. Эксперт баҳолаш. 2. П.Торренс тести, ўқувчи портфолиоси. 3. Иқтидорни аниқлаш саволномаси. 4. «Мақтаб мотивацияси тадқиқи» тести. 5. «Шахс коммуникатив маданияти ривожланиш даражасини диагностикаси» тести |
| Ўқув жараёни субъектлари иқтидорли болаларнинг ҳаётини фаолиятдан қониқиши | <ol style="list-style-type: none"> 1. Ўқитувчиларнинг мактаб жамоасидан мамнун бўлиши. 2. Мактаб ҳаётида иқтидорли ўқувчиларни ҳимоя қилиниши. 3. Фарзандининг ўқиши, тарбияси ва ривожланишидан ота-оналарнинг қониқиши | <ol style="list-style-type: none"> 1. Мактаб ҳаётинан педагог ва ота-оналарнинг қониқишини ўрганиш. 2. Мактаб ҳаётинан ўқувчиларнинг қониқишини ўрганиш |
| Иқтидорли болаларнинг рақобатбардошлиги | <ol style="list-style-type: none"> 1. Иқтидорли ўқувчиларни тайёрлаш сифати. 2. Олимпиада, конкурс, фестивалларда ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг иштироки | <ol style="list-style-type: none"> 1. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш методи ва уларнинг ўсиши |

Иқтидорли болаларни аниқлаш, қўллаш ва қувватлаш модели иқтидор полифактор модели, ўқитувчиларнинг малака ошириш, иқтидорли болани аниқлаш, таълим жараёнида иқтидорли болаларни қўллаш ва қувватлаш моделларига ажратилади (1-расмга қаранг).

Диссертациянинг учинчи боби «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**» деб номланиб, мазкур бобда мактаб «Кичик академия»си, педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ва натижалари келтирилган. Педагогик тажриба-синов ишлари, ташкилий-тайёргарлик, амалий ҳамда умумлаштирувчи босқичларда ташкил қилинган.

Ўқувчиларда илмий-тадқиқотлар, кашфиётлар яратиш кўникма ва малакаларини мактаб ёшидан шакллантириш мақсадида Тошкент шаҳри, Сергели тумани 300-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида миллий таълим ташаббуси бўлган мактаб «Кичик академия»си 2005 йилда ташкил этилиб, мазкур академия иқтидорли, қобилиятли ўқувчиларнинг ихтиёрий илмий-ижодий уюшмаси сифатида фаолият олиб боради.

Ижтимоий буюртма: умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантириш



Тадқиқотнинг мақсади: умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантиришдан иборат

Мақсадга қаратилганлик блоки

| Мақсад | Вазифалар | Тамойиллар | Ёндашувлар |
|---|--|---|---|
| иқтидорли болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ривожлантириш | иқтидорли болаларнинг хиссий, мотивацион, ривожланиш ва шахсий муаммоларининг табиатини ўрганиш, иқтидор турларини аниқлаш ва б. | тарбия ва ривожлантирувчи таълим, индивидуаллаштириш, табақлаштириш, ёш имкониятларини ҳисобга олиш тамойиллари | тизимли, шахс фаолиятига йўналтирилган, компетентли, муҳитга оид, фаолиятли ёндашув, диалогик ёндашув, маданий ёндашувлар |

Мазмунга оид блок

| 1-босқич | 2-босқич | 3-босқич | 4-босқич |
|------------------------|-----------------------------|-----------------------|--------------------------------------|
| Ташкилий ишлар босқичи | Таҳлил ва ташхислаш босқичи | Амалга ошириш босқичи | Умумлаштириш ва оммалаштириш босқичи |

Операционал блок

| Ўқитиш дастурлари | Шакллари | Методлари | Воситалари | |
|---|---|--|---|-------------------------------|
| Муаммоли, дастурий, лойиҳали, автоматлаштирилган ўқитиш | Иллюстратив ва тушунтириш, муаммоли, дастурланган, ностандарт дарслар | Таълимнинг оғзаки, кўргазмали, амалий, муаммоли изланиш, мустақил ишлар, репродуктив эвристик, индуктив ва дедуктив, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари | Матнли, тасвирли, аудио-визуал, ёрдамчи, модели воситалар | |
| Йўналишлари | | | | |
| Фанлар кесимида иқтидорли ўқувчилар | Ижодий изланувчи ўқувчилар | Илмий тадқиқотчи ўқувчилар | Маданият ва спорт йўналиши ўқувчилари | Дастурчи (лойиҳачи) ўқувчилар |

Натиждорликни баҳолаш блоки

| юқори | ўрта | паст |
|---------------------------------|--|--|
| иқтидор белгиларининг чуқурлиги | ўрта даражада иқтидор белгиларининг мавжудлиги | қуйи даражада иқтидор белгиларининг мавжудлиги |



Натижа: умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болаларнинг ижодий фаолияти ривожланган

1-расм. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтидорли болалар ижодий фаолиятини ривожлантириш модели

Ҳозирги кунда 956 нафар ўқувчилар қамраб олинган мактаб «Кичик академия»сининг таркиби куйидагича ташкил этилган:

фанлар кесимида иқтидорли ўқувчилар;
ижодий изланувчи ўқувчилар;
илмий тадқиқотчи ўқувчилар;
маданият ва спорт йўналиши ўқувчилари;
дастурчи (лойиҳачи) йўналиши ўқувчилари.

Фанлар кесимида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш йўналишида барча синфларнинг иқтидорли ўқувчилари ўзлари қизиққан фанни, фан бўлими ва мавзусини ўқитувчилардан маъруза тарзида эшитишлари ва билимларини илмий-амалий тарзда оширишлари мумкин. Иқтидорли ўқувчилар ўз фаолиятларини фанлар кесимида ўқув дастурлари бўйича амалга оширадилар. Ўқувчилар унда маъруза тинглашади, муҳокамада иштирок этишади, ностандарт масалалар ечишади, тажриба-синов лаборатория ишларини бажаришади. Юқори синф ўқувчилари мактаб, туман, шаҳар, республика олимпиадаларига, «Билимлар беллашуви»га, турли фан йўналишлари бўйича танловларга қатнашишга тайёрланадилар.

Ижодий изланувчилар йўналиши эса иқтидорли болаларнинг фанга қизиқишларини ошириш, ижодий ишлар ва билимларни оммалаштириш, ўқувчиларда илмга бўлган қизиқишларни ривожлантиришдан иборат. Маъруза, тақдимот шаклида мустақил ўқишга ёки компьютерга жойлаштирилиб, ўқувчининг мустақил шуғулланишига кўмаклашади. Бу бўлимдаги ўқувчилар ўз ижодий ишларини мактаб «Кичик академия»си кенгаш аъзолари олдида ҳимоя қиладилар.

